АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИNI МАЛАКА ОШИРИШДА ҚЎЛЛАШ

Профессор, б.f.d. Алламуратов Ш.И.

O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Аннотация: мақолада жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги замонавий мутахассис ахборот оқимида эркин ориентирланиши учун компютерлар, телекоммуникацион ва бошқа информацион технологиялар ёрдамида ахборотни олиш, уни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллаш малакасига эга бўлиши кераклиги баён қилинган.

Калит сўзлар: жисмоний тарбия ва спорт, ахборот оқими, компютерлар, телекоммуникацион ва информацион технологиялар.

Кириш. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим тизимида ҳам ўқув жараёнига ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ) воситаларига асосланган педагогик технологияларни татбиқ этишга қаратилган услубий қоидалар, спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларидан фойдаланиш хусусиятларини ўзида акс этувчи аниқ дастурлар, ўқув адабиётлари, услубий ишланмалар ва электрон дасрликларни спорт мутахассисларининг касбий фаолияти хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим омилларидан биридир [1,2].

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар томонидан замонавий ахборот ва коммуникацион технологияларни ўзлаштириш, уларни ўз фаолияти давомида қўллаши масалалари мутахассисларни касбий қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги асосий компонентлар ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий қилишдаги муаммо бўлиб турган асосий масалалар – олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини етарли эмаслиги, дастурий-техник таъминотни доимий равишда янгиланиб туриши ва мутахассисларни компютер саводхонлигини етарли эмаслиги ҳисобланади. Компютер, жисмоний тарбия ва спорт бўйича таълим муассасалари ўқитувчилари ушбу инструментни мукаммал эгаллашмагунча, уларнинг фаолиятларида инструмент бўлиб хизмат қилмайди. Шу сабабли, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислар ўз касбий фаолиятида компютерни қўллай олиши малакаси ўқитувчини зарурий сифатларидан бири бўлиб қолмоқда [3,4].

Тадқиқотларнинг натижалари ва муҳокамаси. Спортда ахборот коммуникация технологиялари модули бўйича малакасини оширишда, дарслик, ўқув қўлланмалари, услубий ишланмалар ва электрон дарсликларни қўллаш самарадорлиги кўплаб муаммоларни муаммоларни бартараф этишга, мутахассисларни информацион компетентлигини оширишга қаратилган талаблардан бирдир.

Ҳар бир мутахассисни онгли, мотивацияли, фаол фаолиятисиз таълим жараёнини информатизациялаштириш – ўқитувчини информацион компонентлигини шакллантириш мақсадига эришиш мумкин бўлмайди. Информацион эҳтиёжларни юқори даражада бўлиши, мутахассисни касбий шаклланишини муҳим таркибий қисми сифатида билимларни, ахборотни эгаллаш малакасини шакллантиришга, индивидуал ахборот майдонини ривожлантиришга кўмаклашади.

Таълим технологиялари нафақат тингловчиларга, балки спорт таълим муассасаларидаги тренерларга ва спортчиларга спортда АКТ имкониятларидан касбий фаолиятида самарали фойдаланиш ва янги стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади [5].

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасига информацион таълим технологияларини жорий қилиниши қуйидаги афзалликларга эга:

- таълим жараёни тизимлаштирилган ҳолда ташкил қилинади. Сабаби, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва услубий ишланмалар ўқув жараёнини ташкил этишга ёрдам берадиган тизимли маълумотлар ва материалларни тақдим этади, спортда АКТ кўникмаларини изчил ва тўлақонли ривожлантиришни таъминлаш учун босқичма-босқич кўрсатмалар, назарий материаллар, амалий мисоллар ва топшириқларни ўз ичига олади;

- таълим ахборотлари дарсликлар ва электрон дарсликларда кенг тушунтирилади, диаграммалар, графиклар ва мисоллар мавжуд бўлиб, улар тингловчиларга спорт соҳасида АКТ асослари ва тамойилларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради, материални ўрганишни осонлаштиради ва тингловчиларга исталган вақтда маълумотга мурожаат қилиш имконини беради;

- спортдаги АКТ соҳасида доимий ўзгаришлар ва янгиланишлар электрон дарсликлар ва онлайн манбалар асосида тақдим этилади. Бу тингловчиларга энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишда замонавий янги восита технологиялардан самарали фойдаланишда катта имконият беради;

- якка тартибдаги таълимни ташкил қилишда дарслик, ўқув қўлланмалар ва электрон дарсликларда баён қилинган материалларни ўзлаштириш учун турли даражадаги қўшимча маълумотларни таклиф қилиши мумкин. Тингловчилар ўзларининг билим даражаси ва қизиқишларига мос келадиган материалларни танлашида спортдаги АКТ бўйича билим, малака ва кўникмаларни тез оширишлари мумкин;

- электрон дарсликлар ва ресурслар, интерфаол материаллар, видео дарслар, тестлар ва бошқа интерактив функсияларни тақдим этилиши мумкин. Улар АКТни ўрганиш учун янада қизиқарли ва самаралироқ бўлади, чунки ўқув материаллари билан ўзаро алоқада бўлиш ҳамда фикр-мулоҳазаларни қабул қилиш имконини оширади;

- дарсликлар ва услубий ишланмалар АКТ бўйича олинган билимларни спорт муҳитида қўллашга ёрдам берувчи амалий мисоллар ва машқларни тушунишни мустаҳкамлашга ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Хулоса. Ўқув материалларидан фойдаланиш спортда ахборот коммуникация технологиялари бўйича малака оширишнинг фақат бир қисмидир. Замонваий информацион ва коммуникацион технологияларни ўзлаштириш ва уларни қўллаш масалалари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳар қандай мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнидаги касбий тайёргарлигини асосий компоненти ҳисобланади. Бу, АКТ бўйича зарурий билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган, касбий ориентирланган дастурий ва дастурий-педагогик воситаларни, дарслик, ўқув қўлланмалар ва электрон дарсликларни ишлаб чиқишни ва уларни ўқув жараёнига жорий қилинишини, ҳамда касбий-педагогик ва спорт фаолиятида қўллашни шахсий тажрибасини тўплашни талаб қилади.

Фойдаланилган adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июндаги “Давлат спорт-таълим муассасалари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-268-сон Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 6 сентабрдаги “Давлат спорт таълим муассасалари фаолиятига оид ташкилий ва ўқув-услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш ва харид қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги 01/808-сон буйруғи.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябр ЎРҚ -637-сон .